ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ БУЙРУГИ

384 «Ўзбекистон Республикаси самовий худудида «Фукаро ва экспериментал авиациясининг парвоз килиш коидаларини» (ЎзР АҚ-91) тасдиклаш тўгрисида» ги буйрукка ўзгартириш ва кушимчалар киритиш хакида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-3

(2012 йил 19 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 февралдаги 90-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2004 й., 2-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман**:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2007 йил 12 сентябрдаги 141-сон «Ўзбекистон Республикаси самовий худудида «Фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш қоидаларини» (ЎзР АҚ-91) тасдиқлаш тўгрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 1723, 2007 йил 29 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й, 41-42-сон, 420-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
- 2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бошлиқ Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш., 2012 йил 13 июль, 2н-сон 32 (532)-сон — 87 — 384-модда

Ўзбекистон Республикаси
Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғининг 2012 йил
13 июлдаги 2н-сон буйруғига
ИЛОВА

Узбекистон Республикаси самовий худудида «Фукаро ва экспериментал авиациясининг парвоз килиш коидалари»ни (УзР АК-91) тасдиклаш тўгрисидаги буйрукка киритилаётган ўзгартириш ва кушимчалар

- 1. Буйруқда:
- а) буйруқнинг номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «Ўзбекистон Республикаси самовий худудида фукаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларини (ЎзР АҚ-91) тасдиқлаш тўгрисида»;
 - б) 1-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «1. Ўзбекистон Республикаси самовий худудида фукаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидалари (ЎзР АҚ-91) иловага мувофиқ тасдиқлансин.».
 - 2. Қоидаларда:
 - а) қоидаларнинг номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «Ўзбекистон Республикаси самовий худудида фукаро ва экспериментал авиациясининг парвоз килиш авиация коидалари (ЎзР АҚ-91)»;
 - б) муқаддима қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Хаво кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 6-сон, 247-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 апрелдаги 114-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудидан фойдаланиш тўгрисидаги низом, Халқаро стандартларга (Халқаро ФАси тўгрисидаги Конвенцияга 2, 6-иловалар, 1944 й.) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фукаро ва экспериментал авиацияси парвоз қилиш авиация қоидаларини қўллаш тартибини белгилайди.»;
- в) 3-банд «йўналишлар ва аэродромлар» деган сўзлардан кейин «экспериментал авиация аэродромлари ва ҳамкорликда фойдаланиш (жойлашиш) аэродромлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;
- г) 53-банддаги «1997 йил 12 декабрда 549-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси самовий худудидан фойдаланиш тўгрисидаги низом» деган сўзлар «2012 йил 18 апрелдаги 114-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси самовий худудидан фойдаланиш тўгрисидаги низом» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- д) 143-банддаги «1997 йил 12 декабрда 549-сон қарори билан тасдиқланған Ўзбекистон Республикаси самовий худудидан фойдаланиш тўгрисидаги низомда» деган сўзлар «2012 йил 18 апрелдаги 114-сон қарори билан

тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси самовий худудидан фойдаланиш тўгрисидаги низомда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

- е) 155-банд құйидаги тахрирда баён этилсин:
- «155. Хаво транспорти қатновига хизмат курсатиш Узбекистон Республикасининг Хаво кодекси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 18 апрелдаги 114-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси самовий худудидан фойдаланиш тўгрисидаги низом, Узбекистон Республикасининг Фукаро авиациясида хаво транспорти катновига хизмат курсатиш Авиация қоидалари (Уз Р АҚ-71) (руйхат рақами 2194, 2011 йил 10 февраль), (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами 2011 й., 6-сон, 55-модда) ва ушбу Қоидалар талабларига мувофиқ ташкил этилади.»;
 - ж) 157-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
 - «157. Қуйидагилар ХХХК нинг вазифалари булиб хисобланади:
- а) назорат қилинадиган самовий худуддаги ХКларнинг ўзаро тўкнашувини олдини олиш;
- б) манёврлаш майдонида ХКлари билан ушбу майдонда мавжуд бўлган тўсиқлар ўртасидаги тўқнашувларни олдини олиш;
- в) хаво транспорти қатнови оқимини тезлаштириш ва бир маромда тартибга солиш;
- г) парвозларнинг амалга оширилиши хавфсизлигини ва самарадорлигини таъминлаш учун зарур булган консультация ва маълумотларни такдим этиш;
- д) қидирув-қутқарув хизматлари ёрдамига муҳтож булган ҲКлари турисида тегишли ташкилотларга хабар бериш, бундай ташкилотларга зарур ёрдам кўрсатиш.»;
- з) 179-банддаги «ФАсида аэронавигация»га (Узбекистон Республикаси АҚ-93) (АҚ АН ФА-2003)» деган сўзлар «Фуқаро авиациясидаги аэронавигация» га (Адлия вазирлигининг 2011 йил 8 ноябрдаги 24/14-11046/6-сон хулосаси билан техник хужжат деб топилган)» деган сузлар билан алмаштирилсин;
- и) 202-банддаги «(Узбекистон Республикаси АК-153) ва Узбекистон Республикасининг Авиация қоидалари «Ўзбекистон Республикаси ФАси ҳаво транспорти харакатини ташкил қилиш ва унга хизмат күрсатиш» (Узбекистон Республикаси АҚ-71)» деган сузлар «(УзР АҚ-153) (Адлия вазирлигининг 2010 йил 21 июлдаги 6-24/23-6084/6-сон хулосаси билан техник хужжат деб топилган)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- к) 295-банднинг «а» кичик бандидаги «6000 метр ва ундан паст булган эшелондаги» деган сўзлар «6100 метрдан паст (эшелон раками 200)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
 - л) 342-банд ўз кучини йўкотган деб топилсин;
- м) 374-банднинг «а» кичик бандидаги «30 км булиши керак» деган сузлар «камида 30 км, XXБ автоматлаштирилган тизими ёки автоматлаштирилган иш жойларидан фойдаланганда — камида 20 км» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

- н) 375, 376 ва 377-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «375. УПҚ буйича парвозларда радиолокацион назорат қулланилганда буйлама эшелонлашнинг минимал интерваллари қуйидагича булиши лозим:
- а) битта эшелонда (баландликда) битта йўналишда кетаётган ҳаво кемалари ўртасида;

район диспетчерлик хизматида (ХХХК йўналишларида ва улардан ташкари йўналишларда) камида 30 км, ХХБ автоматлаштирилган тизими ёки автоматлаштирилган иш жойларидан фойдаланилганда — камида 20 км;

яқинлашиш диспетчерлик хизматида (аэродром худудида (яқинлашиш зонасида)) — камида 20 км, ХХБ автоматлаштирилган тизими ёки автоматлаштирилган иш жойларидан фойдаланилганда — камида 10 км;

аэродром диспетчерлик хизматида (учиш ва қуниш зонасида) 136 тонна ва ундан ортиқ учиш оғирлигига эга булган ҳаво кемаларидан кейин ҳамма бошқа ҳаво кемалари учун — 10 км. Бошқа барча ҳолатларда — 5 км;

б) ҳаво кемалари орасида бошқа ҳаво кемаси банд қилиб турган қарама-қарши эшелонни (баландликни) кесиб ўтиш чоғида:

район диспетчерлик хизматида (йўналишларда ва йўналишлардан ташкари) кесиб ўтиш чогида камида 30 км 10 километрли ёнлама интервалга риоя этган холда, ХХБ автоматлаштирилган тизими ёки автоматлаштирилган иш жойларидан фойдаланилганда — камида 30 км, ХК ажрашиш вақтида ўрнатилган вертикал эшелонлар интервалларини таъминлаш шарти билан;

яқинлашишга диспетчерлик хизматида (аэродром, яқинлашиш зонасида) — камида 30 км, ХХБ автоматлаштирилган тизими ёки автоматлаштирилган иш жойларидан фойдаланилганда — камида 20 км, ХК ХК ажрашиш вақтида ўрнатилган вертикал эшелонлар интервалларини таъминлаш шарти билан;

аэродром диспетчерлик хизматида (учиш ва куниш зонасида) камида 20 км, XXБ автоматлаштирилган тизими ёки автоматлаштирилган иш жойларидан фойдаланилганда — камида 30 км — камида 15 км, XK ажрашиш вақтида урнатилган вертикал эшелонлар интервалларини таъминлаш шарти билан;

в) ҳаво кемалари орасида бошқа ҳаво кемаси банд қилиб турган йулдош эшелонни (баландликни) кесиб утиш чоғида;

район диспетчерлик хизматида (ХХХК йўналишларида ва улардан ташкари йўналишларда) ва якинлашиш диспетчерлик хизматида (аэродром, якинлашиш зонасида) — камида 20 км, ХХБ автоматлаштирилган тизими ёки автоматлаштирилган иш жойларидан фойдаланилганда — камида 10 км кесиб ўтиш чоғида;

аэродром диспетчерлик хизматда (учиш ва қуниш зонасида) камида 10 км кесиб утиш чоғида;

г) битта эшелонда (баландликда) кесишадиган йўналишлар бўйлаб кетаётган ҳаво кемалари ўртасида (кесишиш бурчаклари 45°дан 135°гача ва 225°дан 315°гача бўлганда), шунингдек кесишиш (баландлик) бошқа ҳаво кемаси билан банд бўлган эшелонни кесиб ўтишда;

район диспетчерлик хизматида (ХХХК йўналишларида ва улардан ташқари йўналишларда) — камида 40 км, ХХБ автоматлаштирилган тизими ёки автоматлаштирилган иш жойларидан фойдаланилганда — камида 30 км:

яқинлашиш диспетчерлик хизматида (аэродром, яқинлашиш зонасида) — камида 30 км, ХХБ автоматлаштирилган тизими ёки автоматлаштирилган иш жойларидан фойдаланилганда — камида 20 км;

аэродром диспетчерлик хизматида (учиш ва қуниш зонасида) камида — 10 км.

376. УПҚ бўйича парвозларда радиолокацион назорат усули қўлланилмаганда ҳаво кемалари ўртасида минимал вақт интерваллари қуйидагича бўлиши лозим:

а) битта йўналишда ва битта эшелонда (баландликда) бўлганда:

район диспетчерлик хизматида (ХХХК йўналишларида ва улардан ташкари йўналишларда), якинлашиш диспетчерлик хизматида (аэродром, якинлашиш зонасида) — 10 дакика;

аэродром диспетчерлик хизматида (учиш ва қуниш зонасида) қунишни бошлаш буйича маневр бажарилаётганда — 3 дақиқа;

- б) бошқа ҳаво кемаси билан банд йулдош ёки қарама-қарши эшелонни (баландликни) кесиб утиш чоғида камида 10 дақиқа.
- 377. УПҚ буйича парвозларда радиолокацион назорат усули қулланилмаганда, битта эшелонда (баландликда) кесишадиган йуналишлар буйлаб кетаётган ҳаво кемалари уртасида (кесишиш бурчаклари 45°дан 135°гача ва 225°дан 315°гача булганда), бошқа ХК йуналишини кесиб утиш чоғида минимал вақт интервали камида 10 дақиқа булиши лозим.»;
 - о) 379 ва 380-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «379. ВПҚ буйича битта баландликдаги парвозларда ёнлама эшелонлашнинг минимал интерваллари:
 - а) олдинда кетаётган ҳаво кемасини қувиб ўтишда 500 метр;
 - б) қарама-қарши келаётган хаво кемаси парвозида камида 2 км;
- в) қуйи эшелондан паст МХЙ буйича парвозлардаги ажратилган йуналишларда 5 км.
- 380. УПҚ буйича парвозларда, радиолокацион назорат қулланилганда ёнлама эшелонлаштиришнинг минимал интерваллари қуйидагича булиши лозим:
- а) йўлдош ҳаво кемаси билан банд бўлган эшелонни (баландликни) кесиб ўтиш чоғида:

район диспетчерлик хизматида (хаво трассаларида, зонал навигация йўналишларда, МХЙ ва улардан ташқари йўналишларда) ва яқинлашиш диспетчерлик хизматида (аэродром (яқинлашиш зонасида) — камида 10 км кесиб ўтиш чоғида;

аэродром диспетчерлик хизмати (учиш ва қуниш зонасида) камида 10 км, XXБ автоматлаштирилган тизими ёки автоматлаштирилган ускуналар комплексидан фойдаланилганда — камида 5 км; б) бошқа ҳаво кемаси банд қилиб турган қарама-қарши эшелонни (баландликни) кесиб ўтиш чоғида:

район диспетчерлик хизматида (хаво трассаларида, зонал навигация йўналишларда, МХЙ ва улардан ташқари йўналишларда) камида — 10 км, 30 километрли бўйлама интервалга риоя этган холда, ХХБ автоматлаштирилган тизими ёки автоматлаштирилган ускуналар комплексидан фойдаланилганда — камида 10 км кесиб ўтиш чогида;

яқинлашиш диспетчерлик хизматида (аэродром (яқинлашиш зонасида) ва аэродром диспетчерлик хизмати (учиш ва қуниш зонасида) камида 10 км кесиб утиш чоғида;

- в) параллел ҳаво трассаларининг ўқлари ўртасида масофа камида 50 км бўлиши лозим.»;
 - п) 414-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «414. Ўзбекистон Республикасининг чегара олди полосасининг самовий худудига қуруқлик ва сув устида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасига туташган кенглиги 25 км булган самовий худуд киради.»;
 - р) 418-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «418. Чегара олди полоса самовий худудида парвозларни амалга оширишда белгиланган йўналишдан четга чикишга йўл кўйилмайди, парвоз хавфсизлигини таъминлаш холлари бундан мустасно. Агар хаво кемаси ХХХК йўналишидан ёки кўзда тутилган йўналишдан билмаган холда четга чикиб кетса, ХХХК органлари Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини бузиш холатини олдини олиш учун зарур чораларни кўришлари ва энг якин хаво хужумидан мудофаа органини дархол хабардор килишлари лозим.»;
 - с) 449-банд қүйидаги тахрирда баён этилсин:
 - «449. Хаво кемасининг сахнида чекиш ман этилади.»;
 - т) 451-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «451. Учиш ва қўниш пайтида йўловчилар салони ва авария чиқиш жойлари орасида жойлашган пардалар очилган ва маҳкамланган ҳолатда бўлиши шарт.»;
 - у) 518-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «XXXK диспетчери XK экипажига тоифасиз минимум билан аник тизим буйича ва ноаник тизим буйича кунишга кираётганда куйидаги холларда ўтиш эшелонидан пасайишга рухсат беради:»;
- ф) 522-банднинг «д» кичик банди «экипаж» сўзидан кейин «ҚҚБгача» сўзи билан тўлдирилсин;
 - х) 829-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «829. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини ҳаво кемаларида кесиб ўтиш қуйидагича амалга оширади:
- а) аэронавигация маълумотлари хужжатларида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтиш нуқталаридан;
 - б) Хукуматлараро битимларида белгиланган хаво коридорлари буйича.»;
- ц) 830-банднинг «б» кичик бандининг бешинчи хатбошисидаги «1997 йил 12 декабрдаги 549-сон қарори билан тасдиқланған Ўзбекистон Республика-



384-модда

си хаво кенгликларидан фойдаланиш тўгрисидаги низом» деган сўзлар «2012 йил 18 апрелдаги 114-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси самовий худудидан фойдаланиш тўгрисидаги низом» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

- ч) 853-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «853. Халқаро парвозлар учун рухсатга эга учувчилар таркиби умумий ва ИКАО шкаласининг 4 (туртинчи)-даражасидан кам булмаган авиация инглиз тилини билиши ҳамда тегишли сертификатларга эга булиши шарт.»;
 - ш) 876-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «876. ИКАО қоидаларига асосан халқаро ҳаво йулларида эшелонлашнинг ярим айлана ва квадрант тизими қулланилади. У ёки бу давлатда қулланадиган эшелонлашнинг тизими турисида маълумотлар давлат аэронавигация ахборотлари тупламида (AIP) эълон қилинади.»;
 - э) 877-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «877. Ўзбекистон Республикаси ва бошқа қушни давлатлар эшелонлаш тизими турлича булган холларда, қарама-қарши хаво кемалари уртасида вертикал эшелонлашнинг интерваллари мажбурий таъминланган холда, Узбекистон Республикасининг Давлат чегарасига камида 30 км қолганда эшелонлар алмаштирилади.»;
 - ю) 879 886-бандлар құйидаги тахрирда баён этилсин:
- «879. ХК экипажи Ўзбекистон Республикаси хаво худудига учиб киришидан олдин Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтишдан камида 10 дакика олдин ХХХК органига ўзининг позивнойини, иккиламчи обзорга оид радиолокатор жавобгарининг коди, Ўзбекистон Республикаси чегараларини кесиб ўтишнинг парвоз эшелони (баландлик) ва хисобланган вактини маълум қилади.
- 880. Ўзбекистон Республикаси ва чегарадош давлатнинг ХХХК органлари билан тўгридан-тўгри ерда алоқа каналлари мавжуд бўлган такдирда ва бўлмаганда Ўзбекистон Республикаси чегараларини кесиб ўтишга рухсат бериш йўриклари ХХХК марказлари ўртасидаги битимларда кўрсатилади.
- 881. Халқаро парвозлар амалга оширилаётганда Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтиш Ўзбекистон Республикаси Хаво кодекси талабларига мувофик Ўзбекистон Республикаси парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш Давлат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан берилган рухсатномалар асосида амалга оширилади.
- 882. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини радиоалоқасиз кесиб ўтиш хаво кемаларига ман этилади, радиоалоқанинг парвозда узилиб қолиши бундан мустасно. Агар хаво кемаси рухсат берилган транзит парвозини амалга ошираётган булса (давлатнинг куниш амалга оширилмайдиган парвоз) ёки парвозни охирги нуқтаси Узбекистон Республикаси худудида булса, унга тайинланган аэропортгача парвози учун ёки берилган парвоз режасига мувофиқ захирадаги аэродромга қуниши учун энг куп қулайлик бериш тартиби таклим этилади.

- 883. Агар Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини белгиланмаган хаво коридорлари (Давлат чегарасини кесиб ўтиш нуқтаси) орқали кесиб ўтиш зарур бўлса Ўзбекистон Республикаси ХХХК органлари қушни давлатларнинг ХХХК органлари билан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтиш шароитларини келишиб оладилар.
- 884. Авария, табиий офат, хаво кемасининг экипаж аъзолари ёки йўловчиларига тез тиббий ёрдам кўрсатиш, ХК ва йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, экипаж харакатларига ноконуний аралашув каби холатларда Ўзбекистон Республикаси самовий худудига мажбурий кириш Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузиш деб хисобланмайди.
- 885. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтишга мажбур бўлган холатларда ХК командири, бу хакда дархол ХХХК органига хабар бериши лозим хамда кейин ушбу органнинг кўрсатмаларига мувофик харакат килиши лозим. Ўзбекистон Республикаси ХХХК органи бу хакда самовий худуддан фойдаланиш ва бошкариш район марказининг харбий бўлимини ва хаво мудофаси кўшинлари органини дархол хабардор килади.
- 886. Агар халқаро парвозни бажараётган ҳаво кемаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтгандан кейин парвозни давом эттира олмаса ва ҳаво кемаси экипажи учган аэродромига қайтишга қарор қилса, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қайта кесиб ўтиш одатда кириб келган йўналиш бўйича бажарилади.»;
 - я) 888-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «888. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини ёки Ўзбекистон Республикасининг самовий худудидан фойдаланиш қоидаларини бузган XK қоидабузар XK деб топилади ва агар XXXK органлари талабларига буйсунмаса мажбуран қундирилади.»;
 - ў) 993-банднинг «б» кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин;
 - қ) 1006-банд құйидаги тахрирда баён этилсин:
- «1006. Парвозларни бажаришда, шунингдек тегишли синов ва ўкув парвозлари учун йўрикномада назарда тутилган бўлса, экипажнинг барча аъзолари ва парвозда иштирок этувчи барча шахслар, хавфсизлик жихозлари бор парашютларга эга бўлишлари шарт.».
- 3. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги гидрометеорология ҳизмати Маркази, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК билан келишилган:

Мудофаа вазири

К. БЕРДИЕВ

2012 йил 13 июль

384-385-моддалар

— 94 —

32 (532)-сон

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги гидрометеорология хизмати маркази бош директори

В. ЧУБ

2012 йил 13 июль

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК Бош директори

В. ТЯН

2012 йил 13 июль